

Уламолар ташрифи халқимизни мамнун қилмоқда



19:00 / 15.07.2021 1448

Юртимиз уламоларининг Тошкент вилоятига ташрифлари ҳудудларга файз, кўнгилларга қувонч бағишламоқда.

Бугун 15 июль куни “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳар “Амир ўғли Ҳасанбой” жоме масжидига ташриф буюрдилар. Ташрий асносида юртимизда диний соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар, шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, бугунги кунда долзарб бўлиб турган мавзуда маърузалар, савол-жавоблар бўлди. Илмий суҳбат сўнгида жамоат билан дуолар қилинди.











Бундан ташқари “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-ноиб Хасанхон Яҳё Абдулмажид “Ҳовузлик” жоме масжидига, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор Юнусов “Дониёр ибн Озод”, Тошкент шаҳар “Мирза Ғолиб” масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Султонхонов Бўстонлик туманидаги “Имоми Аъзам” масжидларига ташриф буюришди.



Пешин намозидан сўнг шукроналик, юртимизда диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, бемазҳабсизликдан эҳтиёт бўлиш мавзуларда қилинган маърузалар

намозхонларни тўлқинлантириб юборди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Бўстонлик туманидаги “Олимжон ота”, Ислон цивилизация маркази масъул ходими Аброр Мухтор Алий домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Чирчиқ шаҳридаги “Марказий” жоме масжидида, “Юнусобод оқтепа” масжиди имом-хатиби Нуруллоҳ Обидов “Ҳамд”, “Фирдавс” масжиди имом-хатиби Бахтиёр Сатторов “Чувалачи” масжидларига ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг маърузалар қилиб беришди.





Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Бўстонлиқ туманидаги “Хўжакент” масжидига ташриф буюриб, янгидан қурилаётган жомени кўздан кечирди. Намозхонларга қулайликлар яратиш мақсадида зарур маслаҳат ва тавсияларни берди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги “Нўғайқўрғон” жоме масжиди имом-хатиби Ёрқинжон домла Қултоев Зангитота туманидаги “Умир” жоме масжиди қурилиши билан яқиндан танишди.

Уста ва қурувчилар ҳамда Аллоҳнинг байтига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан хизмат қилаётган саховатпеша кишиларнинг ҳақларига хайрли дуолар қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов эса Бўстонлиқ туманидаги “Ҳазрати Усмон” жоме масжиди атрофидаги маҳаллаларга ташриф буюриб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд ва бемори бор оилалар ҳолидан хабар олди. Уларга “Вақф” хайрия жамоат фондининг пул маблағлари ҳамда совғаларини топширди.